

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани  
махсус 101-макта интернати  
директори-танлов комиссияси раиси

Д.Садикова

“ 03 ” июн 2022 йил

Энг яхши таклифни танлаш бўйича  
Харид қилиш ҳужжатлари

Т/р	Номи	Изоҳ
1	Танлов ўтказиш услуги	Энг яхши таклифларни танлаб олиш, Балл услуги. Иштирокчилар томонидан <a href="https://etender.uzex.uz/">https://etender.uzex.uz/</a> портали орқали электрон тарзда тақдим этилган ҳужжатларнинг техник қисмлари комиссия аъзолари томонидан сифат ва ишончилиги ўрганилиб баҳоланади, нарх қисми эса электрон тизим орқали баҳоланади. Энг юқори балл тўплаган иштирокчи ғолиб бўлади.
2	Иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган таклифларни қабул қилиш муддати	Эълон порталга жойлаштирилган кундан бошлаб, порталда белгиланган вақтгача
3	Ҳужжатларни тайёрлаш тили	Ўзбек тили, Рус тили
4	Боғланиш учун алоқа маълумотлари	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани махсус 101-мактаб интернати Директори Д.Б.Садикова. Тел.: 90 354 58 00
5	Буюртмачи манзили	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак Йўли кўчаси 239-уй

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Мирзо Улуғбек туман 101-сонли махсус мактаб интернатини жорий таъмирлаш ишлари

1.2. Танлов қиймати 698 106 274 (олти юз тўқсон саккиз миллион бир юз олти минг икки юз етмиш тўрт) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди.

1.3. Хизмат бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда иловақилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолибч иққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 50 кунгача.

1.5. Ишларни бошлаш муддати - аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. 101-сонли махсус мактаб интернатини (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади)-танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага ҳамда юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

1) Танлов предмети қийматининг камида 25 фоизи миқдоридagi айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси (Энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича);

2) Банк ҳисобрақамларида корхонанинг бир йиллик айланмаси камида 15 млрд. сўмдан кам бўлмаслиги тўғрисида банк (асли) маълумотномаси (Энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича);

3) Зарурий техникаларнинг мавжудлиги (таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун);

4) Малакали мутахассисларнинг мавжудлиги;

5) Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги хақида худудий ДСИнинг маълумотномаси (Энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича);

6) Пудрат ташкилотининг 3 йиллик бажарган ишлари ва танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

7) Пудрат ташкилотини электрон базадаги рейтинги камида ССС бўлиши керак

8) Ушбу объект учун ишланган бажариладиган ишлар офёрта.(корхона рахбари ва ПТО мухандиси томонидан тасдиқланган холда)

9) Ишларни жойида бориб урганганлиги тугрисида маълумотнома.

10) Корхонанинг инсофсиз курувчилар руйхатида турмаслиги тугрисидаги маълумотнома.

## Таклифни расмийлаштиришга доир талаблар

Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида  
<https://etender.uzex.uz/> порталига электрон танловлар ўтказиш учун  
жойлаштиришлари лозим

## Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби

Иштирокчилар кўйилган талаблар учун таклиф қилинган  
хужжатларига, яъни техник қисмнинг миқдорий кўрсаткичларига ва нарх  
қисмининг миқдорий кўрсаткичи учун умумий 100 балл тўплашлари мумкин.  
Бунда техник қисм учун жами 90 балл нарх қисми учун 10 балл берилади.

Эслатма: Таклифлар Техник қисмдаги бирорта талабларига жавоб бера  
олмаса иштирокчилар танловдан дисквалификация қилинади.

## Иштирокчилар билан ҳисоб китоб тартиби

Ғолиб иштирокчи билан ҳисоб-китоб миллий валюта (сўм)да амалга  
оширилади. Танлов ғолибига шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг,  
шартнома қийматининг 30 % миқдори 5 иш куни давомида тўлаб берилади.  
Тўловнинг қолган қисми “Бажарувчи” томонидан танловга кўйилган  
таъмирлаш ишлари тўлиқ якуни етказилгандан сўнг тақдим этиладиган счет  
фактура асосида ўтказиб берилади.

### Комиссия аъзолари:

Ўқув ишлари бўйича бўйича  
директор ўринбосари

О.Ниязова

Хўжалик ишлари бўйича  
директор ўринбосари

Т.Махмудова

Маънавий маърифий ишлар бўйича  
директор ўринбосари

С.Алматова

Бош ҳисобчи

К.Истатов

Комиссия котиби  
Тарбиячи

Ш.Максумова